O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
4 MAY
SHANBA
№ 55 (26.914)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Темир Камолов ўз аризасига биноан Жўқорғи Кенгес раиси вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов ушбу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муса Ерниязов номзодини таклиф этди.

Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан М.Ерниязовни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Аввламбор, бепоён қорақалпоқ диёрига баҳор кириб келган мана шу кунларда барчангизни соғ-омон кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни айтиб, сизларга яна бир бор ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, ижозатингиз билан, баъзи бир муҳим масалалар ҳақида, аввало, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизида турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Шу масалалар бўйича мен ҳам ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирсам, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бугун биз ўз фаолиятимизга, қилган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, биринчи галда, шу заминда истиқомат қилаётган одамларнинг турмушини нима ҳисобидан яхшилаш, катта орзу-умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг қалбида эртанги кунга ишонч, ўз юртига меҳр туйғуларини кучайтириш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Айниқса, бутун умр ҳалол меҳнат қилиб келган ота-боболаримиз, момоларимизни эзозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, юртимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган ушбу йилда уларга бўлган ҳурмат-эътиборимизни ва бериладиган амалий ёрдамни янада кучайтириш чораларини кўришимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, ўз тақдирини шу юрт билан боғлаган одамларнинг ташвишлари, ўй-фикрларини чуқур ҳис этиб, бугун мана шу ерда тўпланган раҳбарлар, ҳокимлар, барча фаолларнинг бу борадаги бурчи ҳақида яна бир бор гаплашиб, ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Дунёда одамзот бор экан, ҳар бир инсон Оллоҳ таоло ато этган умри давомида орзу-умидлар билан ҳаёт кечиради.

Бугунги кунга шукур қилиб, эртанги кунга ишонч туйғуси билан эзгуликка интилиб яшаш — барчамиз учун табиий ҳол.

Кўпчилик қаторида қорақалпоқ халқи Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туфайли вужудга келган оғир ва мураккаб бир шароитда ҳам эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, ўз она-юрти билан ғурурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган кайфият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечириш, яшаш, ҳақиқатан ҳам, шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан қандай катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Шуни фахр билан айтиш зарурки, қорақалпоқ халқининг табиатида ана шундай юксак фазилатлар азалдан мужассам бўлиб келади.

Ҳозир ҳам кечагидек эсимда, мен 1989 йилнинг ёзида мамлакат раҳбари сифатида эндигина иш бошлаган кунларимда бу ердаги ҳақиқий ҳол-аҳволни атрофлича билиш, одамлардан кўнгил сўраш, биринчи галда ҳал этиш лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига келган эдим.

Айтиш керакки, ўшанда юртимиз қалтис ва мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Бир томондан — Фарғона фожиалари, яна бир томондан — қишлоқларимиздаги ачинарли аҳвол, бир ёқда — Ўш-Ўзган воқеалари, буларнинг барчаси елкамиздаги оғир юк бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солиб турар эди.

Биз ана шундай мушкул бир вазиятда босиқлик билан иш тутиб, муаммоларнинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Шароит ўта кескин бўлишига қарамай, ўша пайтдаёқ Оролбўйи муаммосига алоҳида эътибор берганимиз туфайли вазиятнинг янада хатарли тус олишига йўл қўймадик.

Айниқса, ушбу минтақада дарахтзор ҳудудлар яратиш, пахта яккаҳокимлигини чеклаб, одамларга томорқа бериш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш, 220 та тоза сув чиқарадиган қурилма барпо этиш каби кўп-кўп тадбирлар ўша кезларда бошлаган ижобий ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Ўша пайтларда собиқ иттифоқ раҳбарияти ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол фожиасига қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам халқимизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Аммо, ўша даврда собиқ СССР Олий Советининг бу масала бўйича юзаки, қуруқ декларациядан иборат қарорини айтмасак, бу борада бошқа бирон-бир амалий қадам қўйилмаган эди.

Лекин, бугун барчангизга миннатдорлик билан айтишим керак, биз қўл қовуштириб ўтирмадик. 1989 йилнинг ўзидаёқ ушбу минтақада яшайдиган аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, 380 минг кишига медицина ёрдами кўрсатилди, қарийб 4 минг киши мамлакатдаги тегишли шифохоналарга ётқизилди, минглаб болалар санаторийларда даволанди.

Такрор айтаман, мен қорақалпоқ халқининг олижаноб ва мардлигини ўша оғир дамларда юрак-юрагимдан ҳис этганман.

Мен Молия вазирлигида, Госпланда ишлаган пайтларимда ҳам бу ерга кўп марта келганман.

Лекин ўша 1989 йилда бу минтақанинг нечоғли оғир аҳволга тушганини, Оролнинг қуриши билан нафақат одамлар, балки ернинг ўзи ҳам нақадар эзилганини кўриб, елкамга қандай катта ва оғир юк тушганини яна ва яна бир бор сезганман.

Ва, керак бўлса, бу масала бугун ҳам қалбимнинг тубида оғриқ бир нуқта бўлиб турганини сизларга очиқ айтишим мумкин.

Бугун биз ўн-ўн икки йил олдин, яъни эндигина мустақил бўлиб турган пайтлардаги воқеаларни, бошимизга тушган не-не қийинчилик ва муаммоларни ечиш йўлида қилган ишларимизни эслар эканмиз, мен бир хулосага эътиборингизни тортмоқчиман.

Менинг хулосам шуки, ўша пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган ўта мураккаб аҳволда ҳам қорақалпоқ халқи ўзининг бағрикенглик ва вазминлик фазилатларини намойиш этди, мана шундай ҳар томонлама таҳликали бир вазиятда мамлакатга янги раҳбар бўлиб келган одамга ишонч билдирди.

Ўртамизда қарор топган, бир-биримизни тушунишга хизмат қиладиган мана шундай ўзаро ишонч ва самимият илдизлари балки ўша пайтда томир отган, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ва ана шу унутилмас даврдаги таассуротларимни, барчамиз бошимиздан кечирган кунларни эслаб, бугун яна бир карра, мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман, деб айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.

Мана шундай ҳиссиёт билан мен турли катта минбарлардан — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, Европа ёки Осиёдаги нуфузли анжуманлар бўладими — уларнинг барчасида Орол фожиаси ҳақида бонг уриб, эй одамзот, кўринглар, англанглар, бизнинг бошимизга тушган офатга эътибор қаратинглар, акс ҳолда, бу фалокат эртага умумбашарий тус олиб, сизларнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин, шунинг учун бу масалада амалий ёрдам берингглар, деб қайта-қайта қилган даъватларимни жамоатчилигимиз, халқимиз яхши билади.

Расмий маъруза эмас, балки қалб нидоси бўлган бу сўзларни мен наинки Тошкентда ўтирган раҳбар сифатида, балки қорақалпоқ диёрининг бир вакили сифатида айтганимни эслаш бугун ҳам ортиқча бўлмас.

Бундай даъват ва ҳаракатлар ҳали-бери амалда ўзининг тўла аксини топмаган бўлса-да, битта масалада биз маълум натижаларга эришдик.

Яъни, дунё ҳамжамияти, аввало, халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларга бугун Орол фожиаси тўғрисида ортиқча тушунтириш, қўшимча маълумот беришга ҳожат қолмади.

Бу масала ҳозирги кунда халқаро майдонда дунё микёсидаги катта фожиа, оғир муаммо бўлиб кун тартибига қўйилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани — бу ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Бу борада узоққа бормасдан, битта мисол келтириш мумкин.

Яқинда бизнинг юртимизга ташриф буюрган Жаҳон банки раҳбарининг, шунингдек, бошқа хорижий давлат ва сиёсат арбобларининг Оролбўйига келиб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишганлари ҳам эртага бу масалада олға силжиш, амалий натижалар бўлишига умид уйғотади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 57 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 9000 (тўққиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўланишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш топширилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 май

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ТИКЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

25 апрель куни Тбилисида юз берган қаттиқ зилзила туфайли шикастланган 14 та объектда қайта тиклаш ишлари бошланди. Йиғилган маблағ зилзиладан зарар кўрган оилаларни бошқа жойларга кўчиришга етарлидир, дейилади ҳукумат тарқатган манбаларда.

Тбилиси мактабларини қайта қуриш ва тиклаш учун Грузия ҳукумати 8 миллион доллар имтиёзли кредит олиш мақсадида Жаҳон банки билан музокара олиб бормоқда.

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе қўшимча воситаларни излаб топиш учун молиявий гуруҳ тузишни таклиф этди. Бу гуруҳ қурилиш-тиклаш ҳаракатларини меъёрлаштириб боради, қаерга қанча ёрдам кераклигини аниқлаб, чора кўради.

ФАЛАСТИНЛИКЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Яқин Шарқдаги низолардан жафо чеккан Фаластин халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида 1 миллион Австралия доллари ажратилгани тўғрисида Австралия ҳукумати хабар тарқатди.

САМОЛЁТ МАКТАБГА ҚУЛАДИ



Америка қўшинлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳарбий машқларда Филиппин ҳарбий ҳаво кучларининг самолёти ҳалокатга учради ва Манила шимолидаги мактаб биносига қулаб тушди. Натижада учувчи ҳалок бўлди, бир неча киши оғир жароҳат олди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Мамлакат полициясининг таъкидлашича, «F-5» қирувчи самолёти Пампанга вилоятининг Мабалакат шаҳридан учиб ўтаётганида осмонда портлаб кетган ва мактаб устига тушган. Яхшиямки, бу пайтда мактабда ўқувчилар йўқ эди. Негаки, ҳозир уларда ёзги таътил. Ҳалокат сабабли мактабда ёнғин чиққан. Самолёт портлашидан яқин орадаги уйлар ҳам шикастланган, мактаб яқинидан ўтаётганлар эса жароҳатланган.

Бу қирувчи самолёт Лузон оролидаги жанговар машқларда қатнашиб, авиабазага қайтиб кетаётган эди.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТАХТАҚОРАЧА» ДОВОНИДАГИ ЙЎЛ»

Газетанинг шу йил 5 март сонида чоп этилган «Тахтақорача» довонидаги йўл» сарлавҳали мақолада бир неча вилоятни ўзаро боғлайдиган муҳим аҳамиятга молик йўлда анча-мунча муаммолар мавжудлиги баён этилган эди.

М-39 автомобиль йўлининг 1125-1144 километрдаги «Тахтақорача» довонидан ўтган қисмига «Самарқандавтойўл» бирлашмаси 2-Зарафшон ЙФБ таркибидаги 517-йўл бўлими (1125-1135 км.) ҳамда «Қашқадарёавтойўл» бирлашмасининг «Китобавтойўл» ОХЖ таркибидаги 168-йўл бўлими (1135-1144 км.) хизмат кўрсатади. Йўлсозларнинг асосий вазифаси автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг қулай ва хавфхатарсиз, кеча-ю кундуз ҳаракатланишини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда 2001 йил давомида 126 млн. сўмлик таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди. Йўлдаги транспорт қатновини чеклаш ваколати Ўзбекистон Республикаси «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилганидек, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқарув идораларининг қарорларига мувофиқ вақтинча тўхтатиб ёки чеклаб қўйилиши мумкин. Мазкур йўл бўлаги йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари томонидан автомобиль йўлининг асосий жавобгари — маҳаллий ёки марказий йўл маъмуриятига ҳам хабар қилинмасдан ёпиб қўйилган. Ваҳоланки, йўлнинг хавфли бўлакларида йўл идоралари томонидан узлуксиз ва кучайтирилган йўл хизмати ташкил этилган. Довонда қатновни таъминлаш учун етарли миқдорда туз, қум заҳиралари яратилган. Автомобиль йўлининг техник ҳолатини янада яхшилаш бўйича 2002 йил иш режалари тузилган ва у белгиланган муддатларда бажарилади.

■ **«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раиси ўринбосари Т. АЗИМБОЕВ**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Ёқубов ва бошқалар имзоси билан таҳририятимизга йўлланган мактубда хонадонларда газ таъминотининг ёмонлиги, электр чироқларининг сабабсиз ўчиб қолаётгани ҳақида ёзилган эди.

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Асатов имзоси билан жавоб мактуби олдик. Унда қайд қилинишича, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фуқаролари номидан ёзилган шикоят хати вилоят ҳокимлиги, «Вилоят газтаъминот», вилоят электр тармоқлари бошқармалари мутахассислари ва маҳалла қўмитаси раиси, ариза муаллифлари иштирокида муҳокама қилинган. Ҳақиқатан ҳам жамоа аҳолисининг табиий газ ва электр энергияси билан таъминланиши етарли даражада эмаслиги тасдиқланган. «Текшириш якуни бўйича «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги Қорақўйли участкасида 1,1 км. юқори босимли газ қувурлари тортилди, 2,9 км. юқори босимли газ қувурлари қурилиши юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари (ПСД)ни тайёрлаш жамоа хўжалиги ва газтаъминот туман бўлимига юклатилди», дейилади жавоб мактубида. Газ тармоғи қурилиши эса вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифадан келиб чиқиб Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бадиий академия, Композиторлар уюшмаси, Давлат матбуот қўмитаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

«ҚАРИЯЛАР – ЮРТ КЎРКИ, ЗИЙНАТИ»

деб номланган энг яхши публицистик ва бадиий асарлар танловини эълон қиладилар.

— Узоқ умр кўриш улуғ неъмат эканлиги;

— кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги;

— кексаларни эзозлашдек азалий-миллий қадриятларимизнинг боқийлиги;

— бобожону бувижонларимиз Ватан, халқ, мустақил мамлакат манфаатлари, шаъни шавкати учун ёшлар билан ҳамқадам, куйиб-пишиб, курашиб яшаётгани;

— тиниб-тинчимаслиги, соф қалби, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб нуроний отахон ва онахонларимиз сиймоси ёрқин образ ва бўёқларда, хилма-хил шаклларда ва таъсирчан услубларда акс эттирилган энг яхши насрий, шеърий, мусиқавий, тасвирий ва публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил давомида матбуотда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бўлиши шарт.

Асарлар Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида шу йилнинг 15 ноябрига қадар қабул қилинади (Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават. 37-38-хона. Тел.: 144-64-62, 144-37-87).

Танлов ғолибларини 2002 йил Конституция куни арафасида катта совринлар кутади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда барчамиз яхши тушунамизки, Орол ҳавзасини сув билан тўлдириш — бу ўта оғир масала.

Лекин шундай пайтда Оролбўйи ҳудудида яшаётган одамларнинг аҳволини яхшилаш, авваламбор, уларнинг соғлиғини асраш, насл-насабини баъзи офатлардан сақлаш, бу ердаги ижтимоий вазиятни ўнглаш борасида амалий ишларни бажариш, бунга керакли маблағ ва имкониятларни топиш ва шу мақсадга йўналтириш — бугунги кундаги энг долзарб, четга суриб бўлмайдиган вазифадир.

Авваламбор, биз оналар ва болалар, кексаларга имкон борича шароит туғдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш — дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу хусусда гапирар эканмиз, охирги икки йилда бутун мамлакатимизда, аввало, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақасида рўй берган қурғоқчилик мавжуд қийинчиликларни янада оғирлаштирганини, муаммоларни янада кескинлаштирганини барчангиз яхши биласиз.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз, халқимиз м інтақа аҳолисини табиий офат қаршисида ёлғизлатиб қўймади.

Биз вужудга келган оғир аҳволни енгиллаштириш, унинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида ўз вақтида барча зарур чора-тадбирларни кўрдик.

Мана шундай тадбирлар доирасида ўтган йили давлатимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига 20 миллиард сўмдан ортиқ молиявий кўмак берилди, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга асосан фақат ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 931 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, ушбу минтақага Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳам ёрдам тариқасида йўналтирилди.

Мана шу ҳисобдан 2 минг 900 та қудуқ ишга туширилиб, 200 дан зиёд қишлоқнинг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўтган йил ёз мавсумида 15 минг нафардан зиёд қорақалпоғистонлик ўғил-қизларимиз Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги ороғоҳларда дам олди.

3000 нафар опа-сингилларимиз, 1150 нафар фахрийларимиз энг яхши сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклади.

Айни пайтда, қурғоқчиликдан азият чеккан минтақа аҳолисига қўшимча тарзда нафақалар тўлаш учун 180 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, аҳоли ва ташкилотлар 866 миллион сўм миқдоридаги ер солиғидан озод этилди, корхона ва ташкилотларнинг 33 миллиард сўмлик қарзларидан кечилди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақа аҳолиси учун мўлжалланган хайрли ишларни амалга оширишда техника воситалари етказиб бериб, беминнат ёрдам кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу ишлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини, халқимизнинг ҳаёт қийинчиликларини бир тану бир жон бўлиб енга олиш фазилатини яна бир карра намоён этди.

Азиз дўстлар!

Энди рухсатингиз билан шундай оғир ва мураккаб шароитга қарамасдан, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, кундалик ҳаётимизда қўлга киритилаётган натижалар ҳақида гапирмасак, бу албатта, инсофдан бўлмайди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот чиқарадиган бир қатор янги корхоналарнинг ишга туширилиши республика иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Бу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари ўтган йили 2000 йилдагига нисбатан 12 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Бундай ижобий ўзгаришларни кейинги йилларда барпо этилган «Элтекс» ва «Катекс» каби тўқимачилик мажмуалари, Хўжайлидаги шиша, Нукусдаги мармар заводлари сингари кўплаб замонавий корхоналар мисолида кўришимиз мумкин.

Бу минтақада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўп йиллар давомида долзарб бўлиб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Шуни инобатга олиб, сўнгги йилларда бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширишга эришдик.

Хусусан, узунлиги 243 километрдан иборат «Туямўйин — Нукус» ва узунлиги 112 километрдан иборат «Нукус — Тахтакўпир» сув тармоқларининг ишга туширилгани бу борада салмоқли қадам бўлганини алоҳида қайд этиш даркор.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон аҳолисини табиий газ билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилди.

Бугунги кунда мавжуд хонадонларнинг 90 фоизида табиий газ ёниб тургани бунинг яққол далилидир.

Биргина 2001 йилнинг ўзида 200 километр узунликдаги табиий газ, 206 километр узунликдаги тоза ичимлик суви тармоқлари барпо қилингани ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатиб турибди.

Капитал қурилиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бу заминда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг яна бир намоёни бўлмоқда.

Ўтган йил давомида жами 58 миллиард сўмлик қийматга эга бўлган иншоотлар ишга туширилгани, бу йўналишда аввалги йилга қараганда 3 баробар ўсишга эришилгани, айниқса, диққатга сазовор.

2001 йили 342 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 2 минг 850 ўқувчи таълим оладиган, 700 ўринли замонавий ётоқхонага эга бўлган бешта касб-ҳунар коллежи бунёд этилгани, 1500 ўқувчига мўлжалланган 2 та касб-ҳунар коллежи тубдан таъмирланиб, бугунги талаблар даражасида қайта жиҳозланганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида Оролбўйи скрининг маркази, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳри ва туманлардаги филиаллари, қишлоқ жойларда барпо этилган қатор тиббий хизмат пунктлари экологик таъсир оқибатларини енгиллатиш, минтақа аҳолиси ҳаётини яхшилашда беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Айниқса, кейинги йиллар давомида маҳаллий халқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида бунёд этилган кўпгина кўзга кўринган иншоотлар ва қурилишларни ҳам мисол тариқасида келтириш ўринли бўлади.

Хусусан, мана шу ерда яшаётган халқнинг мушкулини осон қиладиган, Амударё устига қурилган улкан Нукус — Хўжайли кўприги ҳақида алоҳида гапириш мумкин.

Кези келганда мен мамлакатимиз ҳаётида наинки иқтисодий, айни вақтда стратегик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган 345 километр узунликдаги «Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Мискин» темир йўлининг қисқа вақт ичида қуриб битказилганига ҳам алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз минтақаларини ўзаро боғлайдиган бу темир йўл тармоғи ўтган йили 25 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежалишига имконият туғдирди.

Бу улкан иншоотнинг ишга туширилиши билан Мискин, Тўрткўл ва Элликқалъада замонавий янги вокзаллар бунёд этилди. Нукус темир йўл вокзали тўлиқ қайта таъмирланди.

Қораўзак ва Берунийда эса янги вокзаллар барпо қилинмоқда. Қувончлиси шуки, темир йўл фойдаланишга топширилгач, қарийб минг нафар қорақалпоқ йигит-қизлари иш билан таъмин этилди.

Энг муҳими, бу темир йўл қорақалпоқ заминидаги табиий бойликларни ўзлаштиришга, улардан халқимиз, аввало, шу ерда яшайдиган одамларнинг манфаати йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Урга ва Шохпахта газ конларининг ишга туширилиши туфайли биз фақат 2001 йилнинг ўзида 1 миллиард 558 миллион куб метр табиий газ, 12 минг 600 тонна газ конденсати қазиб олиш имконига эга бўлдик.

Ўтган йили очилган Шарқий Бердақ газ кони эса жорий йилда 300 миллион куб метр газ, 400 тонна газ конденсати қазиб олиш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 16 миллиард 200 миллион куб метр газ ва 3 миллион тоннага яқин газ конденсати захираси мавжуд бўлган яна бешта газ кони яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади.

Бепоён Устюрт ҳудудидаги қимматбаҳо хомашё захиралари бу минтақанинг эртанги кунига катта ишонч уйғотади.

Бунинг тасдиғини бугун Устюрт бағрида қад ростлаётган, лойиҳа қиймати қарийб 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган Қўнғирот сода заводи қурилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бу улкан мажмуа юртимизда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, бутун мамлакатимиз саноати учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда завод қурилиши бўйича яқинда Хитой Саноат-тижорат банкининг 32 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит маблағини жалб этиш борасида келишувга эришилганини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Унинг ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз эҳтиёжларини тўла таъминлаб қолмай, рақобатбардош кимёвий маҳсулотларни хорижга ҳам экспорт қилишга кенг имкон яратади.

Қадрли дўстлар!

Агар биз Қорақалпоғистондаги бугунги мавжуд аҳволни фақат мана шундай ижобий мисоллар билан баҳолайдиган бўлсак, бу албатта бир ёқлама ёндашув, ҳатто айтиш мумкинки, калтабинлик бўлур эди.

Биз бугун сизлар билан эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Танқид ҳақида гапирганда, кимнидир изза қилиш, обрўсини тўкиш эмас, хато-камчиликларни майдалаб ўтириш эмас, аксинча, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, ана шу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, уларнинг илдизига етиб бориш ва таг-томири билан йўқ қилиш асосий мақсадимиз бўлиши керак.

Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Кейинги пайтларда бизда ғалати бир одат пайдо бўлди. Яъни, ҳамма камчиликлар учун табиий офатларни рўкач қилиш қандайдир бемаъни одатга айланиб қолди.

Айрим раҳбарлар бунга шунчалик ўрганиб қолдики, бундай баҳоналарни ҳар қадамда қалаштириб ташлайди.

Бу масала бўйича менинг фикрим шундайки, бунақанги йўл билан ўзини оқлашга уриниш — ишни билмайдиган, ташкилотчилик қобилияти етишмайдиган, ҳақиқатни яшириб кўрсатадиган заиф одамларнинг усулидир.

Ҳамма раҳбарлар яхшилаб эшитиб, қулоғига қуйиб олсин — биз бундай қарашларга кескин зарба беришимиз зарур.

Чунки биз бундай номақбул ҳолатларга чидаб, улар билан муроса қилиб юрсак, эртага оғир аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Қорақалпоғистонда иқтисодиёт соҳасида муайян натижалар қўлга киритилган бўлса-да, ҳали аҳолини иш билан банд этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласида талай муаммолар мавжудлигини айтиш даркор.

Бугун бу ерда қарийб 50 минг одамнинг иш билан таъминланмагани ҳам барчамизни ташвишга солиши зарур.

Мутасадди раҳбарларнинг уқувсизлиги ва лоқайдлиги оқибатида саноат корхоналарининг аксарияти ўз фаолиятини бозор шароитига мос ҳолда ташкил эта олмаяпти.

Мавжуд корхоналарнинг 40 фоизида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, Элликқалъа, Қораўзак ва Кегейли туманларида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги аҳвол ниҳоятда ташвишлидир.

Ўзингиз айтинг, ана шу корхоналарнинг омборларида 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотнинг ўз харидорини топмай ётгани ишга бўлган шундай совуққон муносабат натижаси эмасми?

Энг ёмони шундаки, 2001 йил давомида бундай маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 10 фоиз кўпайган.

Қорақалпоғистонда хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, чет эл сармоясини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Аксинча, бор имкониятларни ҳам бой бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ердаги мавжуд 28 та қўшма корхонанинг 10 таси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Кўпгина корхоналарнинг мулк шаклини номигагина, хўжакўрсин учун ўзгартириб, амалда ҳали-бери эскичасига фаолият юритаётгани иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги асосий ғовтўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз микёсида кичик ва ўрта бизнес ривожига жиддий эътибор берилаётганига қарамай, Қорақалпоғистонда ушбу масалага ҳамон бир ёқлама ва юзаки қаралмоқда.

Ҳолбуки, давлатимиз Қорақалпоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, шу орқали аҳолининг турмуш даражаси ва моддий таъминотини яхшилаш масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда.

2001 йилда бу соҳа ривожи учун 6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Бу — аввалги йилга нисбатан 58 фоиз кўп, демакдир.

Албатта, бугун бу ёрдамнинг ўзига хос ижобий таъсири намоён бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони 18 фоиз кўпайди.

Айниқса, Тўрткўл туманида тадбиркорлар сони икки баравар кўпайиб, 3 минг 600 нафар ёш йигит-қиз ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Айтиш керакки, Бўзатов, Кегейли, Элликқалъа туманларида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун анча-мунча ишлар қилинмоқда.

Лекин, шу билан бирга, бутун республика миқёсида оладиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ ва ўринли фойдаланилмаётганини қайд этишга мажбурмиз.

Бу ҳақиқатни 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоизи мутлақо фаолият кўрсатмаётгани ҳам исботлайди.

Барчангиз яхши биласиз, қишлоқ хўжалиги Қорақалпоғистон иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди хўжалиги бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатни талаб этиши ҳақида гапириб ўтириш, ўйлайманки, ортиқча бўлади.

Лекин, шунга қарамай, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан барчани қойил қолдираётган тадбиркор инсонлар кўплаб топилади.

Масалан, тахтакўпирлик моҳир миришкорларнинг мана шундай оғир шароитда ҳам режада белгиланган миқдорда ҳосил олиб келаётгани деҳқон омилкорлик билан иш тутса, ҳар қандай вазиятда ҳам ердан ризқ-рўз ундира олишини кўрсатади.

Ёки Нукус шаҳрининг шундоқ ёнида жойлашган «Қорақалпоғистон» агрохўжалигини олайлик.

Бу ердаги иссиқхонада томчилатиб суғориш орқали нафақат Оролбўйида, балки Тошкент бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетадиган ноз-неъматлар етиштирилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча муаммоларнинг ечими ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аммо агротехника қоидаларига амал қилинмаса, сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаса, сув тармоқлари вақтида тозаланмаса, ердан ҳосил кутиш мумкинми ўзи?

Шу маънода, ўтган хўжалик йилида сув тармоқларининг атиги 20 фоизи тозаланган ҳеч бир ақлга тўғри келмайди.

Ўзингиз ўйланг, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори бўлган шароитда суғориш ишларига, умуман, агротехника талабларига шундай юзаки қарашга йўл қўйиб бўладими?

Ёки кузги-қишки агротехник тадбирлар учун қўшни Хоразм вилоятида ҳар гектар ерга ўртача 1 минг 900 куб метр сув сарфланган бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 3 минг 600 куб метрни ташкил этаётганини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Ўтган йили, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистон Республикасига зарур миқдордаги минерал ўғитлар етказиб берилди. Бироқ, сақлаш ва фойдаланишдаги нуқсонлар туфайли, уларнинг аксарият қисми беҳуда исроф қилинди.

Ўзингиз айтинг, Нукус туманида минерал ўғитларнинг очиқ ҳавода қолиб, ёғин-сочинда яроқсиз ҳолга келтирилганига нима дейиш мумкин? Буни қандай баҳона ёки сабаб билан оқлаб бўлади?

Қадрли дўстлар!

Ризқ-рўзимиз манбаи — халқимиз дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этиб келаётган мана шу ер, мана шу замин эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Уни парвариш этган, эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Лекин ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиш кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Минг афсуски, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мана шундай суиистеъмолчилик ҳолатлари содир этилмоқда.

Нукус туманидаги «Нукус», Хўжайли туманидаги «Қорақалпоғистон», «Жамбил», Элликқалъа туманидаги «Ғалаба» хўжаликларида катта миқдордаги экин майдонлари ҳисоботга киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

2001 йилнинг кузида экилган буғдой майдонлари қайта кўриб чиқилганида, уларнинг бир қисми ҳисобдан яшириб қолинганини, айрим ўринларда эса, «қўшиб ёзилгани» аниқланди.

Бундай ҳолатлар Бўзатов туманидаги «Тўрткўл», Тахтакўпир туманидаги «Жанадарё», «Довқара», Чимбой туманидаги Сейитов номли, Кегейли туманидаги «Қоратов» ва республика йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг ёрдамчи хўжаликларида ҳам учрайди.

Бундай ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

2001 йили Қорақалпоғистон Республикасида барпо этилиши кўзда тутилган 10 та қишлоқ тиббий пунктининг биронтаси ҳам ишга туширилмагани, 16 та тез ёрдам марказининг тенг ярми таъмирлашга муҳтож экани, улар ўз эҳтиёжининг 50 фоизи миқдоридагина машиналар билан таъминлангани — ислоҳотларнинг бу соҳада ҳам оқсаётганидан далолат беради.

Бундай муаммолар, минг афсуски, таълим тизимида ҳам оз эмас.

Республикадаги 764 та ўрта мактабнинг 70 фоизида ўқувчилар икки сменада таълим олмоқда, салкам уч минг ўқувчи эса учинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда.

Янги лицей ва коллежларга аҳамият бериш кўпроқ бўлиб, умумий таълим мактабларини таъминлаш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчиларимизнинг аҳволига эътибор сусайиб қолмоқда.

Ҳолбуки, бу масала ҳам бизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши зарур. Биз кейинги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ислоҳотларимизнинг дастлабки меваларини бугун амалда кўряпмиз.

Қаранг, бугун қандай билимли, истеъдодли, маъноли болалар етишиб чиқяпти.

Албатта, бу масалада қабул қилинган дастур ва режаларнинг, ажратилаётган маблағларнинг ўрни катта. Лекин бу борада асосий ишни, ҳеч шубҳасиз, ўз касбининг фидойиси бўлган минг-минглаб заҳматкаш ўқитувчилар, мураббий-муаллимлар қиляпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун умумтаълим мактабларининг моддий таъминотини яхшилаш, бу даргоҳларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш, уларнинг нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Бугун Қорақалпоғистонда турли соҳаларда мавжуд бўлган камчиликлар ҳар биримизни ҳушёр торттириб, улардан тегишли хулоса чиқариб олишга, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга ундаши лозим.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун биз Қорақалпоғистоннинг эртанги куни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилар эканмиз, **мен бу ерда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни кўтариш ва аҳоли турмушини яхшилаш учун қуйидаги масалаларга энг устувор вазифа сифатида қараш зарур, деб ҳисоблайман.**

Биринчидан, Қорақалпоғистоннинг ўзига хос, оғир иқлим шароитини, айниқса, сув танқислигини инобатга олган ҳолда, бу ерда асосан кам сув талаб этадиган экин турларини экиш, сув сарфи кам бўлган технологияларни жорий қилиш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда мелиорация ишларига, ички ва хўжаликлараро зовурлар ҳамда сув тармоқларини тозалашга алоҳида эътибор бериш керак.

Иккинчидан, аҳолининг чорвачилик соҳасидаги бой тажрибасини ҳисобга олиб, сув таъминоти қийин бўлган туманлардаги иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиш ва уларнинг ўрнида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш, бўрдоқичилик мажмуаларини қайта тиклаш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш лозим.

Учинчидан, республиканинг барча ҳудудларида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этишни кўзда тутиш зарур. Керак бўлса, бу соҳада янгитдан барпо этилаётган кичик бизнес вакиллари ва ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар яратиб беришимиз керак, деб ўйлайман.

Тўртинчидан, саноат тармоқларини ривожлантириш учун чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган янги-янги қўшма корхоналар ташкил этишга жиддий киришиш вақти етди.

Бешинчидан, республикадаги мавжуд табиий бойликларни аниқлаш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхоналар бунёд этишга доир амалдаги дастурдан келиб чиқиб, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳозирдан киришиш лозим.

Олтинчидан, «Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Мискин» темир йўли атрофида, аввало, шахсий мулкка асосланган кўп тармоқли хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини барпо этиш даркор.

Бу эса мазкур йўналиш бўйлаб тегишли инфратузилма шаклланишига, минглаб янги иш ўринлари очилишига, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Еттинчидан, республикада вужудга келган ҳозирги вазиятдан чиқиш учун, биринчи навбатда, иқтидорли, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, уларнинг заҳирасини мунтазам бойитиб бориш даркор.

Ўйлайманки, ушбу таклиф-мулоҳазалар, айтилган танқидий фикрларни инобатга олиб, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб ишга киришсак, барча соҳаларда туб ўзгаришларга эришиш мумкин бўлади.

Азиз ватандошлар!

Бугун эришган ютуқларимиз, йўл қўйган камчиликларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин қийинчилик ва муаммоларга қарамай, ҳаёт давом этяпти, янги авлод дунёга келяпти. Бу авлод албатта биздан кўра кучли, билимли ва бахтли бўлади.

Биз ишончимиз ва таянчимиз бўлган бу ёшлар қалбига, авваламбор, покизалик, ҳалоллик, мардлик, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилиш каби олижаноб инсоний фазилатларни сингдиришимиз керак.

Шуни алоҳида қувонч билан айтиш лозимки, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, қорақалпоқ диёрида ҳам бугун мана шундай минглаб истеъдодли ва фидойи ёшлар вояга етмоқда.

Бундай ёшлар ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам, санъат ва маданият соҳасида ҳам мана мен, деб майдонга чиқмоқда.

Кимга қандай, билмадим, лекин шахсан менга қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ниҳоятда ёқади.

Қаерда, қайси байрам ёки тантанада бўлмасин, қорақалпоқ йигит-қизларининг маҳоратини кўрган, уларнинг жарангдор овозини эшитган одам беихтиёр таъсирланади, керак бўлса, ўзининг ғам-ташвишларини унутади.

Шу муносабат билан мен яқинда бўлиб ўтган бир воқеани сизларга эслатиб ўтмоқчиман.

Азим пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросимда қорақалпоғистонлик хонанда Кенесбай Сержонов «Паяцо» операсидан ария ижро этганини кўпчилигингиз телевидение орқали кўрган бўлсангиз керак.

Қорақалпоқ элининг фарзанди бўлган бу санъаткор ўзининг мафтункор овози билан наинки бизни, балки шу маросимда иштирок этган ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакилларини ҳам ҳайратга солганидан барчамизнинг қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди.

Мен бу ноёб иқтидор эгасини пойтахтга чақириб, Алишер Навоий номидаги академик катта театримизга ишга қабул қилиш, унга турар-жой ажратиш ва самарали ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида мутасадди раҳбарларга кўрсатма бердим.

Бундан мақсад шуки, бу санъаткор ўзининг Оллоҳ ато этган истеъдодини тўлиқ намоён этсин, нафақат Ўзбекистонимизда, балки бутун дунёда шуҳрат қозонсин, қорақалпоқ халқининг довруғини оламга таратсин.

Шу маънода, қорақалпоқ заминидан етишиб чиққан ёрқин истеъдод соҳибаси Муяссар Раззоқова, оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги совриндори Бавуржон Каздаев, тай-бокс бўйича уч марта жаҳон чемпиони Еркин Қутибоев, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Ерматов, санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлган Элеонора Қутлипўлатова, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова каби иқтидорли ўғил-қизларимиз бутун Ўзбекистонимизнинг фахридир, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қандай қийинчиликлар бўлмасин, ҳамиша ўз юртига содиқ қолиб, ўз ерини севиб-ардоқлаб, мардона меҳнат қилаётган, мана шундай беназир истеъдодларни вояга етказаётган қорақалпоқ халқига ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Энди Жўқорғи Кенгеснинг бугунги сессияси кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтсак.

Сизларга яхши маълумки, кейинги йиллар давомида Т.Камолов республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаб келди.

Бу раҳбар яқинда эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Бугун биз сизлар билан Камоловнинг ана шу аризасини кўриб чиқиб, бу масалага ўз муносабатимизни билдиришимиз зарур.

Камолов тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, 1997 йилда Қорақалпоғистонга етакчи бўлиб сайланган бу раҳбар қўлидан келганча ишлади, республикада амалга оширилган ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаб, сиз, Жўқорғи Кенгес депутатлари бу масала бўйича ўз фикрингизни билдирасиз, деб ўйлайман.

Энди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси лавозимига номзод ҳақида гаплашиб олсак. Биз бу ердаги оқсоқоллар, фаоллар, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Ерниязов Муса Тажетдинович номзодини тавсия қилмоқчимиз.

Ҳаммангиз бу билимли ва тажрибали раҳбарни яхши танийсиз. Мен бу раҳбарнинг республикада ислоҳотларни чуқурлаштириш, олдимизда турган вазифаларни адо этишга салоҳияти ва куч-ғайрати етарли, деб ўйлайман.

Бу масала бўйича ҳам Жўқорғи Кенгес депутатлари ўз муносабатларини билдиришлари лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг бугунги кундаги энг асосий вазифамиз, орзу-интилишимиз — халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, биринчи навбатда, Оролбўйи минтақасида яшайдиган одамларнинг ҳаётини яхшилаш, бу борадаги кенг кўламли тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Бугун сиз ҳурматли жамоатчилик вакиллари билан юзма-юз бўлиб, қатъий ишонч билан айтаманки, минтақадаги табиий мувозанатни тиклаш, ҳаётий шарт-шароитни ижобий томонга ўзгартириш учун қўлимиздан келган барча ишларни биргаликда қиламиз.

Бугун мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Шуни унутмаслик керакки, қорақалпоқ халқи доимо юртимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган ва биз сизларнинг салоҳиятингизга ҳамиша чексиз ишонч билан қараймиз.

Сиз азизларга, сиз орқали бутун қорақалпоқ халқига яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этар эканман, Яратганимиздан сўрайманки, юртимизни балоказолардан ўзи асрасин, хирмонларимиз юксак бўлсин, хонадонларимиздан қут-барака аримасин.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилаб қоламан.

БУГУННИНГ ГАПИ

ЁНИБ, ЁНДИРИБ ЯШАМОҚ КЕРАК!

Бугун мамлакатимизда белгиланган ҳуқуқий демократик, кучли фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга ошириш иши Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро фаолияти билан боғлиқ. Унинг онги, тафаккури ва дунёқарашида қандай ғояларнинг ўрин тутиши жамият ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, унинг фаолияти бир томондан жамиятдаги мафкуравий жараёнлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мафкуравий жараёнларнинг бориши ва маънавий-ғоявий муҳитга боғлиқ. Шунингдек, раҳбар фаолияти унинг жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қай тарзда англаб етишига, давлат ва фуқаролар манфаатларига бўлган муносабатига, қолаверса, унинг шахсий фазилатларига ҳам боғлиқдир. Шу маънода, бугунги миллий истиқлол ғоясини кенг жамоатчилик онгига сингдиришда, ишбилармонлик, тадбиркорлик, хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнес йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилишида ва бу ғоялар ишонч ҳамда эътиқодга айланишида раҳбарнинг ўзига хос ўрни бор.

Раҳбар фаолияти ва мафкуравий жараёнлар эндиликда янгича шароитда амалга ошмоқда. Демак, бугунги раҳбар фикрлар хилма-хиллигига, ғоялар ранг-баранглигига алоҳида эътибор бериши, мавжуд мафкуравий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

«**Раҳбар,** — деб ёзган эди Абу Наср Фаробий, — **келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилиши лозим ва фойда топса, турмуш тақозосига қараб уларни ўзгартиради ҳам. У ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишини ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда, ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфиятини сақлаб юраверса, турмушда ҳеч кандай енгиллик, ўзгариш, ўсиш бўлмайди».** Шарқда «иккинчи муаллим» деб эътироф этилган буюк алломанинг бу сўзлари ҳамон ўз ҳаётийлигини сақлаб қолаётганлиги кишини ўйлатмасдан қўймайди.

Айтайлик, бир фермер ёки тадбиркор... У ҳам раҳбар. Қўл остида ўнлаб, юзлаб одамлар меҳнат қилади. Уларни баҳамжиҳат, ғайрат билан ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериши, ижтимоий масалаларини ҳал этиши, иқтисодий манфаатдорлиги ҳақида қайғуриши унинг учун ҳам фарз, ҳам қарз. Лекин раҳбар ана шу фарзу қарзини адо этиш билангина чекланиб қолмайди. Дейлик, у болалар уйига ҳомийлик қилади, кам даромадли оилаларга ёрдам беради, қарияларни қадрлаб, йўқлаб туради, одамларга оғир-енгил кунларда ҳамдард бўлади, жамиятнинг солиқ, суғурта тизимларига риоя этади ва ҳоказо. Муқаддас китобимиз — Қуръони каримнинг Бақара сураси 177-оятидаги **«...фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлига берадиган, намозни тўкис адо қилиб, закотни берадиган киши ва ахдлашганларида ахдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда, жангу жадал пайтларда сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир»,** деган битик айни шундай инсонлар — фазилатга бой раҳбарлар, тадбиркорлар ҳақида айтилгандек гўё.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси минбаридан **«раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак»** дея даъват этгани боиси ҳам шунда. Юртимиз ўшанда раҳбарнинг қандай одам бўлиши кераклигига, унинг фазилатларига алоҳида эътибор қаратди: **«раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, бу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди деб билиши керак».**

Кўриб турибсизки, талаб этилаётган бу фазилатлар миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси билан ҳамоҳанг. Демак, миллий истиқлол ғоялари — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, тадбиркорлик каби тушунчалар, шаксиз раҳбар фаолияти ва фазилатлари билан ҳам уйғунлашиб кетади.

Аммо, ҳали ҳамма раҳбарлар ҳам шундай эмаслиги баъзан кишини ўйлантириб қўяди ва андак мулоҳаза қилишга, фикрлашга ундайди. Айниқса, раҳбарлик фаолиятини заифлаштираётган айрим қусурларнинг ҳамон яшаб келаётганлиги таассуфли ҳол. Президентимиз бунинг сабаблари тўғрисида ҳам гапириб: **«Очиқ айтишим керак, замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрли янги авлод кучга кириши, вояга етиши билан бу масалани ечиш нисбатан осон бўлади. Бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз орасида мана, мен борман, деб майдонга, минбарга чиқаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу барчамизга қувонч ва ишонч бағишлайди, албатта»,** — дедилар.

Худди шу фикрини куни кеча халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтишлари раҳбар-етакчилар зиммасига бугунги кунда қўйилаётган вазифаларнинг нақадар масъулиятли ва нақадар шарафли эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Демоқчиманки, раҳбар кадрларнинг янги авлоди шаклланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларининг босқичма-босқич бажариб борилаётганлиги айни шу мақсадларга бевосита хизмат қилиши турган гап.

Фақат ва фақат чинакам, комил раҳбаргина ўзининг ибратли фаолияти билан одамларни муайян ғояга ишонтириши, уларни ортидан эргаштириши ва аниқ мақсадларга сафарбар эта олиши мумкин. Шундагина одамлар ундан ўзига хос маънавий озиқ, руҳий рағбат олади. Раҳбарга бўлган ишончи ортиб, ўзаро ҳурмат, масъулият туйғусига эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси оммани нафақат раҳбар атрофида, балки мамлакат олдида турган мақсадларни амалга оширишда ҳам янада жипслашишга, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

■ **Ойбек КАРИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

КЕНГ МИҚЁСЛИ ОПЕРАЦИЯ

Афғонистоннинг Пактия вилоятига қарашли тоғли Мазай тумани ҳудудида «Ал-Қаида» ва «Толибон» гуруҳи жангариларининг қолган-қутганларини йўқ қилиш бўйича кенг миқёсли жанговар операция бошланганига ҳам икки кундан ошди. Бу операция «Снайпер ўқи» дея номланиб, унда иттифоқчи қўшинларнинг мингга яқин ҳарбийлари иштирок этмоқда.

Ўша ерлик одамларнинг гувоҳлик беришларича, «Ал-Қаида» ва «Толибон» жангариларини йўқ қилиш бўйича анча аввал ўтказилган «Анаконда» жанговар операцияси пайтида жангарилар айнан шу ҳудудда қуршовдан чиқиб кетишга муваффақ бўлишган.

Ҳали иттифоқчилар томонидан ўрганилмаган, ўта оғир тоғли шароитда жанговар ҳаракатлар олиб борилмоқда. Антитеррор кучлар коалицияси штаби вакиллари айнан шу ҳудудда «Ал-Қаида» ҳарбий базаси ва бункерлари бўлиши мумкин, дея ҳисоблашмоқда. Негаки, Буюк Британия махсус хизмати вакиллари апрель ўрталарида шу жойларни текшириш давомида бўш бункерга дуч келишган ва радиостанция, харита, шунингдек, бошқа ҳужжатлар яширилган ғорни топишган.

Гарчи душман билан ҳали катта тўқнашув юз бермаган бўлса-да, кичик отишма бўлиб ўтган. Яъни, Австралия махсус хизмати вакиллари шу тоғли ҳудудда жангариларга дуч келишган. Қисқа отишмадан сўнг, икки мужоҳид ўлдирилган. Худди шу воқеа кенг миқёсли жанговар операция ўтказилишига туртки бўлди.

«Снайпер ўқи» операциясининг қанча давом этиши ҳали номаълум.



ГОЛЛАНДИЯ.
Маастрихт шаҳри бинокорлиги

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ МУАЛЛИФИ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Melussa деб номланган компьютер вирусини яратган 33 ёшли Дэвид Смит АҚШ федерал қамоҳонасида 20 ой ўтиришга маҳкум этилди. У 1999 йил мартда ўзи кашф этган компьютер вирусини компьютер тармоқлари «муомала»сига киритиб, бутун дунё электрон почтасига катта зарар келтирган эди.

Суднинг таъкидлашича, у етказган зарар 80 миллион доллардан ортиқдир. Смит компьютер вируси муаллифлари орасида жиноий жазога тортилган биринчи шахсдир. У 1999 йил 1 апрелда қўлга олинган. Суд қарорига кўра, Смитга 5 минг доллар жарима солиниб, беш йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилган эди. Бироқ бошқа хакерларни қўлга туширишда ёрдам беришини инобатга олиб, суд унинг жазо муддатини икки йилга келтирди, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

ИЧКИ МОЖАРОЛАРГА АРАЛАШМОҚЧИ ЭМАС

Экстремизмга қарши кураш тактик сирларини Грузия армиясига ўргатиш учун мамлакатга келган Американинг ҳарбий экспертлари баёнот беришларича, Грузиядаги можароларга Вашингтон аралашмоқчи эмас. Баёнотда айтилишича, 64 миллион долларга баҳоланган «Ўқитиш ва шайлаш» дастури АҚШнинг терроризмга қарши кураш кампаниясининг бир қисми бўлиб, бу дастур Тбилисига Панкисск дарасидаги экстремистларга қарши кураш олиб бориш имконини беради.

ВАКОЛАТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Покистон сайлов комиссияси мамлакатда бўлиб ўтган референдум натижаларини эълон қилди. Парвез Мушаррафнинг президентлик ваколатини беш йилга узайтиришни ёқлаб 97 фоиз аҳоли овоз берган. Сайлов комиссияси раиси Эршод Ҳассанхоннинг расмий хабар беришича, 42,8 миллион сайловчи Мушарраф учун овоз берган бўлса, 883,676 нафари қарши овоз берган. 282,935 бюллетен эса ҳақиқий эмас, деб топилган.

BANK XALQ BANKI
ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Сиз орзуингиз ҳақиқатга айланиб, қисқа муддат ичида салмоқли даромадлар соҳибига айланишни хоҳлайсизми? Унда Халқ банкига мурожаат қилинг!

Халқ банки Сизнинг маблағингизни шу йил **1 майдан** жорий этилган **«ҚАДРИЯТ»** қисқа муддатли ютуқли омонатига **90 кунга** қабул қилиб, йиллик **50 фоиз** миқдорида даромад тўлайди.

Шунингдек, Сиз омонатга маблағ топшириб, **5 минг сўмдан 1 млн. сўмгача** ютуқларга ҳам эга бўлишингиз мумкин.

Энг қизиқарлиси шундаки, омад кулиб боқса, Сиз тўлиқ бир йил давомида ҳар ойда Халқ банки ҳисобидан **50 минг сўмдан** ютуқларни олиб туриш имкониятига эга бўласиз.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛГАН ЭМАС.

Шошилинг! Имкониятни қўлдан чиқарманг!

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР! ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

BANK XALQ BANKI
ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Қисқа муддатда пулингиз кўпайиб, санаторийларда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришни хоҳлайсизми?

УНДА МАРХАМАТ! ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИНГ ЭНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИНГИЗГА АЙЛАНАДИ.

Халқ банкининг шу йил **1** майдан **60** кун муддатга очилган **«Саховат»** қисқа муддатли ютуқли омонатига маблағингизни топшириб, йиллик **50** фоиз даромадга ҳамда **50** минг сўмдан **1 млн.** сўмгача ютуқларга эга бўласиз.

ЯНГИЛИКНИНГ ҚИЗИҒИНИ ЭНДИ ЭШИТИНГ!

Омонатга пул қўйиб, санаторийга йўлланмалар ва Халқ банки томонидан **6** ой давомида ҳар ойда **25** минг сўмдан тўлаб бориладиган «Қувонч» ютуғи соҳибига айланишингиз турган гап.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛГАН ЭМАС.

Халқ банкининг саховатидан Сиз баҳраманд бўлинг!

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР! ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

IV ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ ОАО «O'ZMETALLSAVDO»

1. ОСНОВНЫЕ ДАННЫЕ ОБ ЭМИТЕНТЕ:

1.1. Полное наименование: Открытое акционерное общество **«O'ZMETALLSAVDO».**

1.2. Сокращенное наименование: ОАО **«O'ZMETALLSAVDO».**

1.3. Банковские реквизиты: р/с 20210000900123829001 в Сабир-Рахимовском отд. НБ ВЭД РУз, МФО 00876, ИНН 200846089.

1.4. Юридический адрес: Республика Узбекистан, 700057, г.Ташкент, Сабир-Рахимовский район, ул. Уста Ширин, 136.

2. СВЕДЕНИЯ О ПРЕДЫДУЩИХ ВЫПУСКАХ ЦЕННЫХ БУМАГ:

2.1. Размер уставного фонда трем эмиссиям — 40616,868 тысяч сумов.

2.2. Общее количество выпущенных акций — 63863 шт.

2.3. Номинальная стоимость — 636 сумов каждая.

2.4. Все акции простые, привилегированных акций нет, акций на предъявителя нет.

3. СВЕДЕНИЯ О IV ЭМИССИИ ЦЕННЫХ БУМАГ:

3.1. Вид выпускаемых ценных бумаг: акции; тип ценных бумаг: простые именные, привилегированных акций нет, акций на предъявителя нет.

3.2. Приказ ГКИ Республики Узбекистан № 8к-ПО от 4 января 2002 года об увеличении уставного фонда ОАО «Узметаллсавдо» с 40616,9 тыс. сум. до 353679,6 тыс. сум. Путем выпуска дополнительных акций и № 42к-ПО от 8 февраля 2002 года «О внесении изменений и дополнений в приказ ГКИ РУз от 04.01.2002 года за № 8к-ПО».

3.3. Дата принятия решения Общим собранием акционеров об увеличении уставного фонда: 14 февраля 2002 года, протокол внеочередного Общего собрания акционеров ОАО «Узметаллсавдо».

3.4. Размер дополнительного выпуска акций на сумму 313062,7 тыс. сум., поделенный на 492237 штук акций номинальной стоимостью 636 сумов каждая.

3.5. Распределение пакетов акций по IV эмиссии ценных бумаг:

№	Наименование инвестора	% от УФ	кол-во акций	сумма (тыс. сум.)
1.	Госдоля	25	123059*	78265,524
2.	Трудовой коллектив	0,04	184	117,024
3.	Иностранный инвестор	74,96	368994**	234680,184
	Всего:	100	492237	313062,732

☑ Передано в Уставной фонд АК «Узулгуржисавдо»
☑☑ из них 368694 штук подлежит передаче кредиторам в счет частичного погашения кредиторской задолженности ОАО «Узметаллсавдо» по ранее заключенным договорам, а 300 штук — свободному размещению.

3.6. Проспект эмиссии зарегистрирован 4 марта 2002 года отделом по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при ГКИ по г.Ташкенту № Q0267-4.

3.7. Срок размещения: в течение года с момента регистрации.

3.8. Место, где потенциальные покупатели могут приобрести (подписаться) на ценные бумаги: 700057, г.Ташкент, ул. Уста Ширин, 136. Контактные телефоны: 48-30-45.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЖАСОРАТ АБАДИЯТИ

Баҳор — қалб оламимиздаги хотираларни уйғотиб юборади. Хотира — умид. Хотира — армон. Хотира — илинж. Хотира — замин бағрида уйғонган майса сингари ёруғлик. У чексиз туйғу. Унинг поёни йўқ. Ҳар йили баҳор қайтиб келганидек, қуёш нур сочганидек, ой кўкда балқиганидек, юлдузлар чақнаганидек — хотира ҳам кўнглимизда, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб, қалбдан-қалбга кўчиб яшайверади. Хотира — муқаддас мамлакат, унда мозийнинг буюк воқеалари, тилсимлари, абадий ҳукмрондир.

Хотира майдони. Ундаги манзаралар ҳар биримизни ўйга толдиради. Қалб қирғоқларига урилиб кўкка сапчиган тўлқин каби, юракда ҳислар туғён уради. Мотамсаро она ҳайкали уруш даҳшатини, айрилиқ фожиасини, тинчлик қадрини барчамизга мангу эслатиб туради. Бу ерни зиёрат қилганлар инсон маънавиятининг энг юксак туйғуси — хотира эканлигига ишонади. Боқий хотира. Тинчлик учун жанглардан қайтмаганлар номи битилган мангулик китобини умид билан ўқиётганлар, ундан буюк боболар матонатини излаётганлар учун хотира боқийдир. Тинчлик боқийдир. Осмонимиз мовий, осмон сокиндир. Майдон узра кезган келажагимиз — фарзандлар қалбида жаранглар бир сўз:

— Тинчлик учун курашаман!

Эшитдингми замондошим. Навқирон авлоднинг пок юрагида мангу яшаб, мангу жаранглар жасоратнинг абадияти.

■ Фарруҳ ҲАМРОЕВ

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН *

ЭПИКТЕТ — ҚАДИМГИ РИМЛИК ДОНИШМАНД. МИЛОДИЙ 50-135 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

❑ Одамларни нарсалар эмас, балки, улар ҳақидаги тасаввурлар қийнайдилар.

❑ Бил ва ёдда тут, агар инсон бебахт бўлса, бунда унинг ўзи шунинг учун айбдорки, Худо барча одамларни бахтсиз бўлиш учун эмас, балки, бахтиёр бўлиш учун яратган.

❑ Бизнинг ҳодисаларни бошқара олмаслигимизни, балки, уларга мослашмоғимиз лозимлигини ҳамиша ёдда тутмоқ керак.

❑ Файласуфнинг мактаби, бу — шифохонанинг ўзгинаси бўлиб, сиз уни қувноқ кайфиятда эмас, балки, оғриқни ҳис этган ҳолда тарк этмоғингиз лозим.

❑ Ҳақоратлаётган, бу — сени қаттиқ сўкаётган ёки, ҳатто, ураётган киши эмас, балки, сенинг, бунда қандайдир алам борлиги хусусидаги, нохолис фикрингина эканлигини ёдда тут.

❑ Киши ўзи қодир бўлмаган нарсани хоҳласа ва ўзи кочиб қутула олмайдиган нарсадан нафратланса, демак, унда истаклар жойида эмас; у, бамисоли, ошқозон ёки жигар касалига чалинган кишилардек, хоҳиш-истаклар дардига мубтало бўлган.

❑ Агар кишининг қўлида болта ёки дутор кўраётган бўлсанг, уни дурадгор ёки мусиқачи дейиш мумкинмикан? Худди шунингдек, агар киши доно сўзларни гапираётган бўлса, уни донишманд дейиш мумкин эмас.

❑ Галаба сенга боғлиқ бўлмаган бирон-бир жангга киришмасанг, енгилмас бўлишинг мумкин.

❑ Ўзингни асло файласуф деб атамагин...

❑ Нодонлар билан донолик қоидалари тўғрисида мулоҳаза юритма, бироқ, агар сен ушбуларни мукаммал уққан бўлсанг, уларни ўз ишларингда кўрсат.

❑ Ҳа фойдани, на зарарни ўзига ўзидан эмас, балки, уларни ташқи нарсалардан кутиш нодоннинг ҳолати ва хусусиятидир. Ҳар қандай фойда ва ҳар қандай зарарни фақат ўзидан кутиш файласуфнинг ҳолати ва хусусиятидир.

❑ Агар сен ўғлингни ёки хотинингни севсанг, унутма, бошида ўлим ҳақ кишиларни севаётирсан. Шундай қилиб, улар бандачиликни бажо келтирганларида, сен қаттиқ хафа бўлмайсан.

❑ Чида ва тийил.

❑ Агар сени шоҳ ўғил қилиб олганида эди, манманлигинг чегара билмаган бўларди. Нечун сен Худонинг ўғли эканлигингни англашдан фахрланмайсан?

❑ Император Адриан нима учун Венерани ялангоч тарзда тасвирлайдилар, деб Эпиктетдан сўради. «Бу шунинг учунки, — деди донишманд, — у ундан лаззат ахтарувчилар ҳафсаласини пир қилади».

НАГАРЖУНА — ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОНЛИК ФАЙЛАСУФ. МИЛОДИЙ 113-213 ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

❑ Бу дунёда шу куннинг хотиржамлиги ва яхши келажакка интилиш бир-бирларига зиддирлар.

❑ Фойдали нарса ҳақида билиб, шу заҳотиёқ, ҳатто, агар бу ёқимсиз бўлса ҳам, уни ўзлаштиришга кириш. Худди шунингдек, фозил киши, соғайиб кетиш учун, аччиқ дорини ичади.

❑ Ўлим измидагилар шамол йўлидаги чироққа ўхшайдилар.

❑ Ҳақиқат, бу — фақат бошқалар учун яратиладиган эзгулик ва, аксинча, нима ёмон бўлса, у — ёлғон.

❑ Ўзгаларга фойда — сахийлик ва ахлоқийлик туфайли, ўзингга фойда — сабр-тоқат ва қатъиятлиликдан.

МАРК АВРЕЛИЙ – ҚАДИМГИ РИМЛИК ФАЙЛАСУФ, АНТОНИНЛАР СУЛОЛАСИГА МАНСУБ ИМПЕРАТОР. МИЛОДИЙ 121-180 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

❑ Ўзингга қайрил.

❑ Барча нарсалар ўзгаришга маҳкум. Сенинг ўзинг ҳам доимо бошқа ҳолатга ўтиш ва қисман ўлиш жараёнидасан. Бутун дунё ҳам шундай.

❑ Барча нарсалар бир-бири билан чирмашиб кетган, ҳамма ерда илоҳий алоқадорлик, бутун борлиққа бегона бирон-бир нарсани топиш ҳам даргумон. Зеро, барча нарсалар умумий тартиб билан бирлаштирилган ва муштарак оламни безашга хизмат қиладилар.

❑ Инсон ҳаётининг муддати — лаҳза; унинг моҳияти — мангу оқим; сезги — ғира-шира; бутун тананинг тузилиши — омонат; жон — беқарор; тақдир — жумбоқ; шуҳрат — шубҳали. Бир сўз билан, танага дахлдор барча нарсалар оқимга, жонга дахлдорлар — тушга ва тутунга ўхшайдилар. Ҳаёт — кураш ва ғурбатдаги жаҳонгашталик; ўлимдан кейинги шуҳрат — унутилиш.

❑ Энг муҳими, инсоннинг ўз ўлимини, ўзи ташкил топган унсурларнинг оддий бузилиши сифатида, итоаткорона кутиши. Ахир, ўлим, бу — табиатга мувофиқ, нимаики табиатга мувофиқ бўлса, у ножўя бўлмайди.

❑ Ҳамма нарса эътиқодга асосланган, у сенинг ўзингга боғлиқ. Шунинг учун, хоҳлаганингда, эътиқодни йўқот — ва, қояни айланиб ўтган денгизчидай, осойишталикка, сип-силлиқ ва сокин бандаргоҳга эга бўласан.

❑ Ким шу кунни кўрган бўлса, у барча, мангу чексизлик мобайнида юз берган, бенихоя вақт давомида юз берадиган, нарсаларни ҳам кўрган, негаки, ҳаммаси бир хил ва ўхшаш.

❑ Шу кунда бўладиган нарсаларнинг қай даражада аввал ҳам бўлганлигини доимо эсингда тут; худди шунинг ўзини келажакда ҳам бўлишини ёдда тут, сен ўз тажрибанг ёки, масалан: Адрианнинг бутун сарой аҳли, Антониннинг ҳам бутун сарой аҳли, Филипп, Александр, Крезларнинг ҳам бутун сарой аҳллари каби, эски даврлар тарихидан билган фожиа ва томошаларни ҳам кўз олдинга келтир. Ахир, бу бир хиллик ҳамиша бўлган, фақат ҳар хил қиёфаларда ижро этилган.

❑ Сен билан нимаики юз бермасин — у азалдан белгилаб қўйилган. Сабабларнинг аввал бошдан уланиб кетиши сенинг ушбу ҳодиса билан яшашингни боғлаган.

❑ Майли, қуйидаги икки нарса, ҳамиша назарда тутилиши лозим бўлган, энг ишончли асос бўлсин: биринчиси — нарсалар жонга дахлдор эмаслар, улар ундан четда, беҳаракат турадилар, бизнинг қийинчиликларимиз эса фақат ўзимизнинг ички тасаввурларимиздан келиб чиқадилар. Иккинчисига келганда, бу — сен кўраётган нарсаларнинг бир зумда ўзгариши, уларнинг тезда йўқ бўлиши. Сенинг ўзинг ҳам қанчадан-қанча ўзгаришларга аллақачон гувоҳ бўлгансан — булар ҳақида доимо ўйла. Олам — ўзгариш, ҳаёт — идрок.

❑ Ўз ичингга боқ.

❑ Одамлар бир-бирлари учун яшайдилар.

❑ Ҳамма нарсани шундай қилиш, ҳамма нарса тўғрисида шундай гапириш ҳамда фикрлаш керакки, гўё, ҳар бир лаҳзанинг сен учун охиргиси бўлиши мумкин эканидай. Энг узун ҳаёт энг қисқа ҳаётдан фарқ қилмайди. Ахир, айни пайт барча учун баравар, демакки, талафотлар ҳам тенг — ва улар бор-йўғи бир лаҳзага жамланади. Ҳеч ким на ўтмишдан, на келажакдан маҳрум бўлади. Зеро, ким мендан йўқ нарсани тортиб олиши мумкин?

❑ Аммо, нима ҳақиқат йўлига олиб чиқиши мумкин? Фалсафадан ўзга ҳеч нима ...

❑ Сен ўзингни фақат ҳозирги дамгача яшаган, энди эса ўлган, деб тасаввур қилгинда, ҳаётингнинг **кутилгандан ортиб қолган** вақтини табиатга мувофиқ ўтказ. Ўтмишга нигоҳ ташла: давлатлар ҳозиргача қанчадан-қанча тўнтаришларни бошдан кечирмадилар! Келажакни ҳам башорат қилиш мумкин. Ахир, у тамомила ўшандай ва ҳозирда юз бераётган нарсалар маромидан ташқари чиқмайди. Шунинг учун ҳам сен инсон ҳаётини қирқ йил ёки ўн минг йиллар давомида кузатасанми, фарқи йўқ. Зеро, сен янги нимани кўрасан?

❑ Ҳаётда юз бераётган нимадандир ажабланадиган киши нақадар кулгили ва нодон.

❑ Сендан ҳозир табиат нимани талаб қилса, шуни қил, Платоннинг республикасини рўёбга чиқараман, деб умидвор бўлма ва, олдинга томон қўйилган, ҳатто, битта қадамдан ҳурсанд бўл — ҳамда ушбу ютуқни арзимас, деб ҳисоблама. Одамларнинг фикрлаш тарзини ким ўзгартира олиши мумкин? Бундай ўзгаришсиз эса, қуллик, оҳ-воҳ қилиш ва мунофиқона итоатгўйликдан ўзга, нима бўлиши мумкин?

❑ Инсон қандай бўлиши ҳақида вайсайвермасдан, инсон бўлиш вақти ҳам келди.

❑ Душмандан ўч олишнинг ҳақиқий усули — унга ўхшамаслик.

❑ Иродасизликнинг энг жирканч кўриниши, бу — кишининг ўзига кўнгилчанлиги.

❑ Сенинг ишларинг, ёшинг бир жойга борганда, уларни қандай эслашни хоҳласанг, шундай бўлсинлар.

■ Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 71-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
39
5
48
73
30
33
66
45
50
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20068137.2
40048659.1

2 ТУР
75
56
61
51
43
32
64
62
25
77
52
2
54
69
79
49
46
13
21
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
60020774.3
60247165.1
80081389.2

3 ТУР
18
42
26
7
76
82
65
41
81
17
27
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
10244868.3
90418243.2

4 ТУР
4
88
29
86
10
44
55
38
78
14
67
60
57
40
58
71
11
16
22
90
20
87
3
74
8
Сони: 3
Сумма: 3666666
Чипталар рақами
20073152.1
60219232.2
80372363.1

5 ТУР
83
36
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
70063777.2
90180288.3

6 ТУР
84
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
40167384.2
50185931.1

7 ТУР
9
Сони: 6
Сумма: 3000

8 ТУР
28
Сони: 9
Сумма: 2500

9 ТУР
47
Сони: 8
Сумма: 2000

10 ТУР
72
Сони: 12
Сумма: 1700

11 ТУР
23
Сони: 17
Сумма: 1500

12 ТУР
24
Сони: 36
Сумма: 1400

13 ТУР
1
Сони: 40
Сумма: 1300

14 ТУР
89
Сони: 99
Сумма: 1200

15 ТУР
6
Сони: 130
Сумма: 1100

16 ТУР
31
Сони: 314
Сумма: 1000

17 ТУР
59
Сони: 427
Сумма: 900

18 ТУР
85
Сони: 622
Сумма: 800

19 ТУР
68
Сони: 1009
Сумма: 700

20 ТУР
15
Сони: 1816
Сумма: 600

21 ТУР
70
Сони: 2322
Сумма: 500

22 ТУР
80
Сони: 3415
Сумма: 400

23 ТУР
34
Сони: 6766
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 218
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
12, 19, 35, 37, 53, 63

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 9 майдаги 72-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – Ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор
2 ТУР – Ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор
3 ТУР – «Нексия» автомобили
4 ТУР – «Нексия» автомобили
5 ТУР – Ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор
6 ТУР – Ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор
Қолган турларда пул ютуқлари.

Чипта баҳоси — 300 сўм

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Газетанинг 27 апрель сонида эълон қилинган «ЯХШИ НИЯТ»-нинг 70-тиражи ютуқлар жадвали иккинчи турида чиккан шарлар рақами тартиби қуйидагича хисоблансин: 54, 66, 40, 68, 30, 72, 50, 39, 80, 78, 25, 89, 67, 63, 41, 2.

Пул ютуқлари «Ўзуйжойжамғармабанк» филиалларида, Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

ТЕННИС

СОВРИН МЕҲМОНЛАРДА КЕТАДИ

Андижонда бир ҳафтадан буён давом этаётган «Фьючерс» халқаро теннис турнирида кучлилар деярли саралаб бўлинди. Мукофот миқдори 15 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу мусобақада қатнашган саккиз нафар теннисчимизнинг бирортаси афсуски, ҳал қилувчи босқичга чиқа олмадилар.

Жуфтлик баҳсларининг дастлабки учрашувида Огородов — Томашевичлар америкалик А.Ритчель ҳамда вакилимиз В.Бистраевичларга қарши майдонга тушдилар. Бу ўйин ҳамюртларимиз ташаббуси билан ўтиб, 7/5, 6/3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Кейинги босқичда теннисчиларимиз Жанубий Корея ва хитойлик ракеткачилар жуфтлиги билан учрашишлари лозим эди. Аммо номаълум сабабларга кўра, Огородов — Томашевичлар кортга чиқишмади.

Пайшанба куни покистонлик А.Қурайши ва финляндиялик Т.Кетола жуфтлиги икки соат давом этган ҳаяжонли баҳсда буюк британиялик Ж.Аукенд — С.Диксонлар устидан (6/4, 6/7, 7/5) зафар қучди. Кеча эса финалда улар ярим финалнинг бошқа бир жуфтлигини мағлуб этган жанубий африкалик Р.Де Войст ҳамда С.Диксонларни доғда қолдиришди — 7/6, 6/3.

Бугун ўтадиган шахсий баҳслар финалида Т.Кадарт (Франция) — Р.Де Войст(Жанубий Африка)-лар учрашадилар. Эртага эса теннисчилар Наманганда бошланадиган халқаро турнирга жўнаб кетишади.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ —
БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
БАХТЛИ СОҲИБИ БЎЛИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!
Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!
Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:
- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

Оҳангарон шаҳар 1-ўрта мактаб томонидан 1986 йил 24 июнда Аҳмедова Барно Анваржоновна номига берилган серия Г № 897140 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ер муносабатлари ва Кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси ва «4-қурилиш трести» очиқ акциядорлик жамиятининг 6-қурилиш бошқармаси бош механика бўлими ўртасида 1997 йил 27 январда ер бўлаги хусусида тузилган 2294 рақамли шартнома асосида берилган 2815278544 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банк масъул ходими Қаҳрамон Олимовга волидаи муҳтарамаси **ТУРСУНОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоаси бўлим бошлиғи Забиқилла Каримовга отаси **Ҳабибулла ота КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA